

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК  
ТЎПЛАМИ

17-сон  
(1141)  
2024 йил  
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Иккинчи бўлим

133. «Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПФ–68-сон Фармони
134. «Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ–162-сон қарори
135. «Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ–163-сон қарори

### Учинчи бўлим

136. «Донор қонидан дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш-

га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 22 апрелдаги 225-сон қарори

137. «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларини аутсорсинг асосида хусусий сектор томонидан амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 апрелдаги 233-сон қарори
138. «Қимматли қоғозлар бозорида миждозларни масофадан туриб рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 26 апрелдаги 238-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

139. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 24 апрелдаги 9-мх-сон «Давлат хизматлари ягона реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3467-1*)
140. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 9 апрелдаги 6-Қ/Қ-сон ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2024 йил 8 апрелдаги 6-2024/ҚҚ-сон «Академик лицейларга ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 26 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2910-2*)
141. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 9 апрелдаги 5-Қ/Қ-сон ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2024 йил 8 апрелдаги 5-2024/В-сон «Профессионал таълим муассасалари педагог кадрлари ва муҳандис-педагог кадрларининг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 26 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1461-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **133** Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Рақамли технологиялар ва электрон тўловларнинг барча соҳаларга жадал кириб бориши одамлар ҳаётини ижобий томонга ўзгартириш билан бир қаторда таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинларнинг тарқалишига туртки бўлди.

Шу билан бирга, таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар ўтказиш бўйича миллий провайдерларнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича мавжуд тақиқлар ва бу борадаги ҳуқуқий тартибга солишнинг йўқлиги, фуқароларнинг мазкур соҳага доимий қизиқишлари уларнинг хорижий ва ноқонуний сервислардан фаол фойдаланишига олиб келмоқда.

Мазкур ҳолат ўйинларга ҳаддан ташқари қарам бўлган фуқароларнинг ўйинларда иштирок этишини чеклаш механизмлари мавжуд эмаслигига, ўйин иштирокчиларига нисбатан фирибгарлик ва уларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш хавфига, чет эл валютасининг мамлакатдан чиқиб кетишига олиб келмоқда.

Лотерея ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш фаолиятини тартибга солиш соҳасига илғор хорижий тажрибани ва замонавий технологияларни жорий этиш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг:

2025 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни (кейинги ўринларда — интернет тармоғида ўйинлар) ташкил этиш фаолиятини ва букмекерлик фаолиятини амалга оширишга рухсат этиш;

лотерея, интернет тармоғида ўйинлар ва букмекерликни ташкил этиш фаолиятларини қонунчиликка мувофиқ Агентлик томонидан бериладиган лицензиялар асосида амалга ошириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

Агентлик лотерея ҳамда интернет тармоғида ўйинларни ташкил этиш фаолиятини ва букмекерлик фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади (кейинги ўринларда — лицензияловчи орган);

Агентлик лотерея ҳамда интернет тармоғида ўйинларни ташкил этиш

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 апрелда эълон қилинган.

фаолиятини ва букмекерлик фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хайрия жамғармалари ва ташкилотлари фақат тузиладиган шартномаларга асосан лотерея ташкилотчилари орқали лотереялар ўтказишга ҳақли;

лицензиялар асосида ташкиллаштирилган лотерея, интернет тармоғидаги ўйинлар ва букмекерлик гаровларида фақат 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезидентлари қатнашиши мумкин;

лотерея ва интернет тармоғида ўйинлар, букмекерлик фаолияти ташкилотчиларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроолларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этишини мониторинг ва назорат қилиш функциялари Агентлик ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади.

3. Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 1 январдан бошлаб беш йил муддатга лотерея ҳамда интернет тармоғида ўйинларни ташкил этиш фаолиятини ва букмекерлик фаолиятини солиққа тортишнинг қўйидагиларни назарда тутувчи тартибини белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

лотерея, интернет тармоғида ўйинларни ташкил этиш фаолиятини ёки букмекерлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар лотерея, интернет тармоғида ўйинларни ташкил этиш фаолиятдан ёки букмекерлик фаолиятдан олинган жами даромадидан тўланган ютуқлар ва қайтарилган ставкалар чегирилган ҳолда 4 фоиз ставкасида айланмадан олинадиган солиқ тўловчилари ҳисобланиши;

жисмоний шахсларнинг Агентлик томонидан берилган лицензиялар асосида ўтказиладиган лотереялар ҳамда интернет тармоғидаги ўйинлардан ва букмекерлик гаровидан олинган ютуқлар сифатидаги даромадлари жисмоний шахслар даромад солиғи тўлашдан озод этилиши.

4. Мазкур Фармон талабларини инобатга олган ҳолда Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) икки ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини:

лотерея ҳамда интернет тармоғида ўйинларни ва букмекерлик фаолиятини ташкил этиш тартиби, шу жумладан лицензия талаб ва шартларини;

ставкалар ва ўйинчилар ягона давлат регистрини яратиш, уни лицензияловчи орган томонидан юритиш тартибини;

б) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат божи тўғрисида», «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Реклама тўғрисида»ги ва бошқа қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республи-

каси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Агентлик манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директори Д.Р. Ли зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 19 апрель,  
ПФ–68-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги  
ПФ–68-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5120-сон Фармонида:

а) 2-банднинг учинчи — олтинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги учинчи — еттинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«крипто-активлар айланмаси, капитал бозори ва суғурта бозори соҳаларини, электрон тижорат, лотерея ҳамда Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятлари соҳаларида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

крипто-активлар айланмаси ва капитал бозори соҳаларида инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг суғурта муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроллари тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

давлат бошқаруви ва турли ижтимоий-иқтисодий соҳаларга маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясини ва бошқа энг янги технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларни ташаббус қилиш ва илгари суришга кўмаклашиш»;

б) 3-бандда:

учинчи хатбошидаги «икки» сўзи «уч» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агентлик директори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари мақоми, тиббий ва транспорт таъминоти шартлари бўйича тегишли равишда вазирга, вазирнинг биринчи ўринбосарига ва вазир ўринбосарларига тенглаштирилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6044-сон Фармониغا 5-иловада:

а) 3 ва 8-позициялар чиқариб ташлансин;

б) 5-позициянинг «Тартиб-таомилларни қисқартириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари» устунни 2-банди чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2847-сон қарорида:

а) 1-бандда:

ўнинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг ягона методологиясини шакллантириш ва амалга ошириш, аудиторлик фаолиятини тартибга солиш, мамлакатнинг молия бозорларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш»;

ўн тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 7-илованинг рус тилидаги матнида:

2-банднинг биринчи хатбошисидаги «страхования,» сўзи чиқариб ташлансин;

8-бандда:

ўнинчи хатбошидан «осуществление контроля за деятельностью страховых организаций, направленного на обеспечение защиты прав и законных интересов всех участников страховых отношений,» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

9-бандда:

7-кичик бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) в сфере регулирования финансовых рынков и институтов:»;

бешинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

йигирманчи ва йигирма биринчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

15-кичик банднинг иккинчи-учинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«разрабатывает и утверждает в установленном порядке правила внутреннего контроля для организаций, оказывающих лизинговые услуги, организаций, осуществляющих операции с драгоценными металлами и драгоценными камнями и аудиторских организаций, а также осуществляет мониторинг и контроль за их соблюдением;

изучает, анализирует и оценивает риски легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансирования терроризма и финансирования распространения оружия массового уничтожения в сфере оказания лизинговых услуг, осуществления аудиторской деятельности, оборота драгоценных металлов и драгоценных камней и принимает меры по снижению выявленных рисков»;

16-кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

11-бандда:

ўн тўққизинчи ва йигирма биринчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

йигирманчи, йигирма иккинчи — ўттиз иккинчи хатбошилар тегишинча ўн тўққизинчи — ўттизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Ўз-

бекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3150-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

б) 2-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агентлик тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқлаш, Агентлик ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини мустақил равишда белгилаш»;

в) 3-бандда:

«б» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) Агентлик крипто-активлар айланмасини, капитал бозори ва суғурта бозорини, электрон тижоратни, лотерея ҳамда Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини тартибга солиш, шу жумладан лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари бўйича ваколатли орган ҳисобланади»;

«д» кичик банднинг учинчи хатбошисидаги «лицензия, рухсат бериш» сўзлари «лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«е» кичик банддан «Ўзбекистон Республикаси норезидентларига» сўзлари чиқариб ташлансин;

«з» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«з) Агентлик крипто-активлар айланмаси соҳасига технологияларни жорий қилаётган юридик шахслар учун махсус ташкилий-ҳуқуқий шароит яратишни назарда тутувчи Крипто-активлар айланмаси соҳасида тартибга солиш махсус режимини («Тартибга солиш қумдони» махсус режими) ҳамда капитал бозори соҳасида «Тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режимини таъминлаш тартибини белгилайди»;

г) 5-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агентлик крипто-активлар айланмаси, капитал бозори, суғурта бозори ва электрон тижорат соҳаларида, лотерея ҳамда Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва букмекерлик фаолияти соҳаларида лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари ва шартларига риоя этилиши борасида текширувларни ўтказиши, белгиланган тартибда жарима санкцияларини қўллайди, шу жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролиларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилмаганлиги учун жарима санкцияларини қўллайди»;

д) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



«Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 27 июлдаги  
ПҚ–3150-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий  
агентлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдордир.

3. Агентлик юридик шахс ҳуқуқига эга давлат муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳр ва бланкага, бюджет ҳамда қонунчиликда белгиланган давлат божлари ва бошқа йиғимлар ҳисобига шаклландиган бюджетдан ташқари маблағлари бўйича Ягона ғазна ҳисобварағида шахсий ғазна ҳисобварақларига, грантлар, кредитлар, қарз ва ҳомийлик хайриялари бўйича Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ҳисоб рақамларига эга бўлади.

Агентлик крипто-активлар айланмасини, капитал бозори ва суғурта бозорини, электрон тижоратни, лотерея ҳамда Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини тартибга солиш, шу жумладан лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

4. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Агентликка юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва бошқа ташкилотлар), нодавлат нотижорат ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари ва мутахассислари билан, жумладан, иш ёзишмаларини олиб бориш, тадбирларни ташкил этиш ва ҳадли келишувларни тузиш орқали ўзаро ҳамкорлик қилади.

6. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, давлат органлари

ва бошқа ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, қисқартирилган номи — Истиқболли лойиҳалар агентлиги;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи — National Agency of Perspective Projects of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи — Perspective Projects Agency;

в) рус тилида:

тўлиқ номи — Национальное агентство перспективных проектов Республики Узбекистан, қисқартирилган номи — Агентство перспективных проектов.

## **2-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари**

8. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

крипто-активлар айланмаси, капитал бозори ва суғурта бозори соҳаларини, электрон тижорат, лотерея ҳамда Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятлари соҳаларида (кейинги ўринларда — тартибга солинадиган соҳалар) ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

крипто-активлар айланмаси ва капитал бозори соҳаларида инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг суғурта муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроллари тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

давлат бошқаруви ва турли ижтимоий-иқтисодий соҳаларга маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясини ва бошқа энг янги технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларни ташаббус қилиш ва илгари суришга қўмаклашиш.

9. Агентлик ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) крипто-активлар айланмаси, капитал бозори ва суғурта бозори соҳаларини, электрон тижорат, лотерея ҳамда Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятлари соҳаларида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

тартибга солинадиган соҳаларда қонунчиликни такомиллаштириш ва келгусида ривожланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш борасида таклифларни ишлаб чиқади;

тартибга солинадиган соҳаларда давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ва уларни амалга оширишга кўмаклашади;

соҳаларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

тартибга солинадиган соҳалар масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиши;

тартибга солинадиган соҳаларда лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тартибини белгилайди ва амалга оширади, шунингдек, лицензия ва рухсат бериш талаб ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

мазкур Низомга иловага мувофиқ фаолият олиб борадиган Кripto-активлар айланмаси соҳасида тартибга солиш махсус режимини («Тартибга солиш қумдони» махсус режими) белгилайди;

тартибга солинадиган соҳаларда қоидалар, нормалар ва стандартларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг тартибга солинадиган соҳалардаги масалалари бўйича ўқишларини ташкил этади;

илмий-таълим муассасалари билан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларини тартибга солинадиган соҳалари бўйича тайёрлаш масалаларида ҳамкорлик қилади;

тартибга солинадиган соҳаларда халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

қимматли қоғозлар бозори, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилади;

маҳаллий капитал бозорининг ривожланиш ҳолати ва унинг профессионал қатнашчилари ҳақида, шу жумладан, қонунчиликда назарда тутилган маълумотлар ошкоралигини таъминлаш орқали инвесторлар ва жамоатчиликни хабардор қилади;

капитал бозори соҳасида «Тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режимини таъминлаш тартибини белгилайди;

қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларнинг мутахассисларини аттестациядан ўтказиши ва малака гувоҳномаларини беради;

қимматли қоғозларни чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш, улар юзасидан ҳисобот бериш ҳамда қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини ва қимматли қоғозларга доир битимларни ҳисобга олиш реестрини юритиш талабларини белгилайди;

ўз маблағлари етарли даражада бўлишига доир мажбурий нормативларни ва қимматли қоғозларга доир операциялар бўйича таваккалчиликларни чекловчи кўрсаткичларни ўрнатади;

қонунчилик ҳужжатларини тизимли таҳлил қилади ҳамда тартибга солинадиган соҳаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади;

б) крипто-активлар айланмаси ва капитал бозори соҳаларида инвестор-

ларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш соҳасида:

крипто-активлар айланмаси ва капитал бозори соҳаларида инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида чора-тадбирлар кўради;

крипто-активлар айланмаси ва капитал бозори соҳаларида қонун бузилишлари аниқланганда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирларни кўллайди;

крипто-активлар айланмаси ва капитал бозори соҳаларининг ривожланиш ҳолати тўғрисида инвесторларни ва жамоатчиликни кенг хабардор қилишни ташкил этади, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва (ёки) расмий веб-сайтида крипто-активлар айланмаси ва капитал бозори соҳаларининг ривожланиш ҳолати юзасидан доимий равишда маълумотларни чоп этади, ҳамда аҳолининг крипто-активлар айланмаси ва капитал бозори соҳаларида саводхонлиги даражасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

в) суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг суғурта муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган фаолияти устидан назоратни амалга ошириш соҳасида:

ўз ваколати доирасида суғурта фаолияти соҳасини тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва қабул қилади;

қонунчиликда ўрнатилган тартибда, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш, суғурта бозори соҳасида рухсат этиш тартиб-таомиллари амалга оширади ҳамда лицензия ва рухсат этиш талаб ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

ижро этилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилиқ нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибини, айрим таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп ҳажми ва жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган кўп ҳажмини ҳисоблаб чиқариш услубини, суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўловга қобилиятини акс эттирувчи ахборотларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) суғурта захиралари маблағларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини, шунингдек бундай маблағларнинг ҳисобини юритиш ва улар бўйича ҳисоботлар тузиш тартибини белгилайди;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг), суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилайди;

суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг ва улар томонидан эълон қилинадиган йиллик

молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек уни тақдим этиш ҳамда эълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) инвестиция фаолиятини амалга ошириши ва актуар хизматлари кўрсатиши тартиби ва шартларини белгилайди;

актуарий малака сертификатини олиш учун ўқув дастурларини ҳамда малака имтиҳонлари топшириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, мазкур сертификатни олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳонини ўтказди, қонунчиликда белгиланган тартибда актуарий малака сертификатини беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади;

суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия ва суғурталовчини (қайта суғурталовчини) қайта ташкил этишга берилган рухсатномаларнинг, шунингдек малака сертификатига эга бўлган актуарийларнинг реестрини юритади;

қонунчиликка мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини текширишни амалга оширади ва уларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида ижро қилиниши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини, тўловга қобилиятликнинг белгиланган нормативлари ва уларнинг молиявий барқарорлигининг бошқа талаблари таъминланишини назорат қилади;

суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик, шу жумладан белгиланган иқтисодий нормативлар бузилганлиги учун суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) устав фонди (устав капитали) энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача миқдориди, белгиланган тартибда жарима солади;

суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ёки айрим суғурта турларига (классларига) нисбатан тўхтатиб туради, шунингдек уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида судга мурожаат қилади;

суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилиш борасидаги фаолият тўғрисида йиллик ҳисоботларни, шунингдек суғурта бозорининг молия йили давомидаги фаолияти ҳақидаги статистик маълумотларни ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой ичида эълон қилади;

г) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроолларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш соҳасида:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроолларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

тартибга солинадиган соҳаларида фаолиятни амалга оширувчи шахслар

учун ички назорат қоидаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек, уларга риюя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуроолларини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган хавфларни ўрганади, таҳлил қилади ва баҳолайди ҳамда аниқланган хавфларни камаййтиришга доир чоралар кўради;

белгиланган тартибда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроолларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этади;

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битимдан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроолларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўллайди;

тартибга солинадиган соҳалардаги амалга оширилган операциялар тўғрисидаги ҳисобот ва маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги устидан назоратни амалга оширади;

юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида тартибга солинадиган соҳалардаги фаолиятни амалга оширувчи шахслардан бефараз шартлар асосида ҳужжатлар, маълумотлар ва материалларни талаб қилиб олади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроолларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

д) давлат бошқаруви ва турли ижтимоий-иқтисодий соҳаларга маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясини ва бошқа энг янги технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларни ташаббус қилиш ва илгари суришга кўмаклашиш соҳасида:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясини жорий этиш борасида ҳамкорликни амалга оширади;

давлат органлари фаолиятига маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясини жорий этишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва техник топшириқларнинг лойиҳаларини келишади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясини жорий этиш борасида профессионал тайёргарлик даражасини оширишда кўмаклашади;

маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш борасида хорижий давлатларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилишда кўмаклашади;

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳаларида илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясидан ва бошқа энг янги технологиялардан фойдаланган ҳолда лойиҳаларни ишлаб чиқишни таъминлайди;

иқтисодиётнинг турли соҳаларида маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясидан ва бошқа энг янги технологиялардан фойдаланган ҳолда лойиҳаларни амалга ошириш ҳақидаги таклифларни киритади;

давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, бизнес ҳамжамиятлар, экспертлар ва халқаро ташкилотлар билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясидан ва бошқа энг янги технологиялардан фойдаланган ҳолда лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилади.

### **3-боб. Агентликнинг ваколатлари ва жавобгарлиги**

10. Агентлик қуйидаги ваколатларга эгадир:

ўз ваколатлари доирасида, шу жумладан, бошқа давлат органлари билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материал ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраб олиш;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидан суғурта фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ва суғурта фаолияти билан боғлиқ бошқа маълумотларни белгиланган шаклда олиш;

ўз ваколатлари доирасида қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан жисмоний, шу жумладан, мансабдор шахслардан ёзма тушунтиришлар ва маълумотларни олиш;

Агентликнинг ваколатига тегишли масалалар бўйича судга даъво тақдим этиш;

Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, чет эл компанияларининг юқори малакали ходимларини ва мутахассисларни жалб қилиш;

тартибга солинадиган соҳаларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консулик муассасалари, халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари билан иш ёзишмаларини олиб бориш, тадбирларни ташкил этиш ва ҳадли келишувларни тузиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, ахборот материаллари, даврий нашрлар ва бошқа босма маҳсулотларни чиқариш ҳамда тарқатиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан бўлмаган маблағлар хи-

собига харид қилинган ва ўз балансида ҳисоби юритилган мол-мулкни, шу жумладан, кўчмас мулкни, мустақил равишда ҳисобдан чиқариш ёки бошқа тарзда бошқариш;

ҳомийлик хайриялари, грантлар, кредитлар ва қарзлар сифатида қабул қилинган, Крипто-активлар айланмаси соҳасида инновацион технологияларни ўрганиш ва синовдан ўтказиш бўйича махсус лаборатория фаолияти давомида олинган, шунингдек, суд қарорига асосан давлат фойдасига ўтказилган крипто-активларни тўғридан-тўғри шартномалар асосида миллий крипто-биржада сотиш кунда шаклланган курс бўйича сотиш;

ўз ваколати доирасида лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари талаб ва шартларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши борасида текширувлар ўтказиш ва натижаси бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўриш;

ўз ваколати доирасида қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва судга юбориш;

аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ва Агентлик ваколатига кирадиган бошқа масалалар бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларга огоҳлантириш, хулоса ва ижро учун мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мутахассисларини жалб қилиб, белгиланган тартибда йиғилишлар ўтказиш;

тартибга солинадиган соҳалари бўйича халқаро ташкилотларда мамлакат манфаатларини ифода этиш ҳамда белгиланган тартибда ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг ваколатли ташкилотлари, шунингдек, илмий институтлари билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузиш.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

#### **4-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш**

12. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосарга, шу жумладан биринчи ўринбосарга эга бўлади.

Агентлик директори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари мақоми, тиббий ва транспорт таъминоти шартлари бўйича тегишли равишда



вазирга, вазирнинг биринчи ўринбосарига ва вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

13. Агентлик ходимлари Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

14. Агентлик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Агентлик директори томонидан белгиланади.

Агентликда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори ҳамда Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасининг тариф коэффициентларини қўллаш тавсиявий тусга эга.

15. Қўйидагилар:

грантлар, кредитлар ва қарзлар, шу жумладан, крипто-активлар;

қонунчилик ҳужжатларда белгиланган миқдордаги Агентлик томонидан амалга ошириладиган лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ажратмалар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, чет эл жисмоний ва юридик шахсларининг ҳомийлик хайриялари, шу жумладан, крипто-активлар;

юридик шахслар устав фонди (капитали)да Агентликка тегишли акциялар (улушлар, пайлар) бўйича қонунчиликда белгиланган миқдорда олинadиган даромадлар;

давлат-хусусий шериклик шартларида лойиҳаларни амалга оширишдан олинadиган даромадлар;

Агентликнинг вақтинча бўш турган маблағларини банкларга жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

16. Агентлик директори:

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда Агентликка юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши бўйича шахсан жавоб беради;

Агентликнинг штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Агентлик тузилмаси ва штатлар бирлигини тасдиқлайди;

Агентлик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини белгилайди;

Агентликнинг таркибий тузилмалари ҳамда Крипто-активлар айланмаси соҳасида инновацион технологияларни ўрганиш ва синовдан ўтказиш бўйича махсус лаборатория тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Агентлик ходимларининг лавозим вазифаларини тасдиқлайди;

Агентлик ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

чет эл давлатлари ваколатли органлари, халқаро ташкилотлар, хорижий илмий-таълим муассасалари ва компаниялари билан ҳамкорлик тўғрисида келишувлар ва бошқа шартномалар тузади;

ўз ваколати доирасида Агентлик ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради ҳамда кўрсатмалар беради.

Ўзбекистон Республикаси  
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги  
тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги тартибга солиш  
махсус режими («Тартибга солиш қумдони» махсус  
режими) тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги тартибга солиш махсус режимининг («Тартибга солиш қумдони» махсус режими) умумий қоидаларини белгилайди.

2. Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги тартибга солиш махсус режими («Тартибга солиш қумдони» махсус режими) деганда крипто-активлар айланмаси соҳасидаги технологияларни (кейинги ўринларда — тажриба-синов лойиҳалари) жорий этаётган юридик шахслар учун алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, тажриба-синов лойиҳаларини синовдан ўтказиш ва амалиётга жорий этиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларда енгиллик яратиш тушунилади (кейинги ўринларда — махсус режим).

3. Махсус режим доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида крипто-активлардан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш ёки тўловни қабул қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш тақиқланади.

4. Махсус режимни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринда — Агентлик) томонидан тасдиқланади.

**2-боб. Махсус режимни тақдим этишнинг асосий мақсадлари**

5. Махсус режимни тақдим этишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги янги технологияларни синовдан ўтказиш ва тажриба тариқасида амалга ошириш учун майдонча яратиш;

амалдаги талабларга жавоб бермайдиган меъёрлар аниқланган тақдирда, янги тартибга солиш механизмларини шакллантириш ва синовдан ўтказиш;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги замонавий технологияларни, шу жумладан, инвестицияларни жалб қилиш мақсадида токенларни чиқариш юзасидан тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишда қўмаклашиш;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги маҳсулотлар ва хизматлар турларини, шу жумладан, экспортга мўлжалланган ечимларни кенгайтириш;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги янги технологияларни жорий этиш жараёнларида тегишли назоратни таъминлаш;

махсус режим доирасида ўтказилган тажрибалар асосида янги тартибга

солиш услубларини ишлаб чиқиш ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

республика бозорига крипто-активлар айланмаси соҳасидаги янги технологияларни олиб чиқиш муддатини ва сарф-харажатларни қисқартириш;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлаш.

### **3-боб. Агентликнинг махсус режим доирасидаги ҳуқуқлари**

#### **6. Агентлик:**

махсус режимни тақдим этиш, иштирокчиларни махсус режимда рўйхатдан ўтказиш тартибини, улар фаолиятига қўйиладиган талабларни, тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш доирасида уларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, тегишли ваколатли органлар билан маслаҳатлашувлар ўтказган ҳолда қонуности ҳужжатларининг тегишли нормаларини тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш муддатида истисно қилиш ҳақида қарорлар қабул қилади;

махсус режим иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш;

махсус режим иштирокчилари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ўз вақтида бажарилишини тизимли назорат қилади;

тегишли ваколатли давлат органи билан тузилган шартномалар асосида махсус режим иштирокчилари томонидан шахсга доир эгасизлаштирилган маълумотларни қайта ишлаш тартиби ва шартларини, шунингдек, уларга қўйиладиган талабларни белгилайди;

махсус режим иштирокчиларини тажриба-синов лойиҳалари муддати давомида ташкилий-ҳуқуқий, консултатив қўллаб-қувватлайди.

7. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

### **4-боб. Иштирокчиларнинг махсус режимдаги мақоми**

8. Махсус режим иштирокчилари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганларидан сўнг тажриба-синов лойиҳаларини крипто-активлар айланмаси соҳасида лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олмасдан амалга оширади.

9. Махсус режим иштирокчиларининг фаолияти, шунингдек, уларнинг тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш доирасида бошқа субъектлар билан тузилган шартномавий муносабатлари Агентликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланадиган ҳуқуқий режимлар билан тартибга солинади.

Махсус режим иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари — субъектлар билан хизмат кўрсатиш бўйича ту-

зиладиган шартномалар (оферталар, битимлар)нинг максимал қиймати, шунингдек, махсус режимда амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳалари доирасида мижозларнинг чекланган сони Агентлик билан келишилиши шарт.

10. Махсус режимда тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш доирасида қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган имтиёзлар ва преференциялар татбиқ этилади.

11. Тажриба-синов лойиҳаларини махсус режим доирасида амалга ошириш муддати уч йилдан ошмаслиги лозим.

Белгиланган муддат ўтгач Агентлик тажриба-синов лойиҳаларини махсус режим доирасидан чиқариш мақсадида амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида (тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш натижалари ижобий баҳоланган тақдирда) тегишли муносабатларни тартибга солиш учун тегишли нормаларни тарқатиш ёхуд тегишли асосларни кўрсатган ҳолда тажриба-синов лойиҳасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги «Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–90-сон қарорида:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамият акцияларини фонд биржасининг биржа котировка варағидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ушбу жамият овоз берувчи акцияларининг эгалари бўлган акциядорларга ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи берилади;

қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари уюшган савдосида қимматли қоғозларга доир битимлар тузилганда сотувчи (эмитент бундан мустасно) томонидан фойда солиғи ва даромад солиғи ўрнига битим суммасининг 0,3 фоизи миқдорида йиғим Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига тўланади»;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясига Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг асослантилган таклифларига мувофиқ, шу жумладан, бозор ҳолати ва андеррайтерлар хулосаларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига асосан бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклиф этиладиган акциялар пакетининг ҳажмини ва савдога чиқариш муддатини белгилаш, уларнинг рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 августдаги «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 176-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «тиражли, бир лаҳзали ва рақамли» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этиладиган Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидаги таваккалчиликка асосланган ўйинлар, букмекерлик фаолияти ва» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши «, мазкур фаолиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) илованинг 2, 3 ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**134 Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат мулкани хусусийлаштириш орқали хусусий сектор улушини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун шароит яратиш, самарасиз ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2020 — 2023 йилларда 4,5 мингта давлат активларининг хусусийлаштирилиши натижасида 20 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, хусусийлаштирилган корхоналарнинг солиқ тушумлари 1,3 баробарга, соф активлари эса 1,5 баробарга ошди.

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси мақсадлари ижросини таъминлаш, иқтисодиётнинг хусусий сектор ривожланган тармоқларида давлат иштирокини кескин камайтириш, хусусий сектор фаолият кўрсатиши учун қулай рақобат муҳитини яратиш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш мақсадида:

1. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик жамиятлари (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) биринчи раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири этиб ўз соҳасида хусусий сектор улушини муттасил ошириб бориш, рақобат муҳити шаклланган соҳалардаги, шунингдек, уларнинг фаолиятига хос бўлмаган, самарасиз фойдаланилаётган ва бўш турган активларини хусусийлаштириш (сотиш) белгилансин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Давлатив агентлиги) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (кейинги ўринларда — Рақобат қўмитаси) билан биргаликда 2024 йил 1 сентябрга қадар мазкур бандда назарда тутилган вазифалар бажарилишини баҳолаш методологиясининг тасдиқланиши ва унинг асосида 2024 йил якунидан бошлаб рейтинг шакллантирилиши ва эълон қилиб борилишини таъминласин.

2. Қуйидагилар:

Оммавий савдоларга чиқариладиган акция пакетлари (улушлари) рўйхати 1-иловага\*\* мувофиқ;

Оммавий савдоларга чиқариладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари рўйхати 2-иловага\*\* мувофиқ;

Маҳаллий фонд бозорида акцияларининг бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифи ўтказиладиган корхоналар рўйхати 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ҳисоб палатаси икки ой муддатда балансда сақловчи вазирлик, идора-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ушбу қарорга 1 ва 2-иловалардаги активларнинг ўз вақтида Давактив агентлигига ўтказилишини назоратга олсин ва мазкур топшириқни бажармаган биринчи раҳбарларга нисбатан чоралар кўриш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, давлат иштирокидаги корхоналар акцияларининг оммавий таклифини ўтказиш жараёнида:

қабул қилинган буюртмалар асосида акцияларни уюшган савдоларда сотишда олди-сотди битимлари инвестиция воситачилари томонидан қатъий равишда «Тошкент» РФБ савдо майдончасида рўйхатдан ўтказилади;

маҳаллий инвесторларнинг буюртмаларини қабул қилиш «Тошкент» РФБ савдо майдончасида амалда бўлган усулларга қўшимча равишда, «E-AUKSION» электрон савдо платформаси, шу жумладан унинг мобиль иловасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Бунда, «E-AUKSION» электрон савдо платформасида барча инвестиция воситачилари ва уларнинг миждозлари учун шахсий кабинет яратиш орқали буюртмаларни реал вақт режимида беғараз асосда қабул қилиш, инвесторларни идентификация қилиш, инвестиция воситачилари билан тегишли шартнома тузиш, депо ҳисобварағини очишда тенг имконият таъминланади.

4. Белгилансинки, давлат активларини сотишни жадаллаштириш ва иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш мақсадида:

давлат активлари уч ой давомида сотилмаганда (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) уларнинг бошланғич нархи қолдиқ (баланс) қиймати ёки соф активлари миқдоридан қатъи назар 10 фоизгача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилади. Бунда, давлат активларининг бошланғич нархи пасайтирилгандан кейин ҳам уч ой муддатда сотилмаган тақдирда хусусийлаштиришнинг бошқа усуллари қўлланилади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан «E-AUKSION» электрон савдо платформаси орқали 2024 йил 1 январга қадар тузилган ижара шартномалари бўйича ижарага олинганига камида беш йил бўлган давлат мулки объектини Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида капитал таъмирлаш, модернизация қилиш, теварак-атрофини ободонлаштириш ва бино-иншоотларни турли даражада яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилган ва ижара тўловлари ўз вақтида тўлаб келинган ҳамда ушбу объект хусусийлаштириш дастурига киритилган тақдирда уларга ушбу давлат мулки объектини баҳоланган қийматда тўғридан-тўғри сотиб олиш ҳуқуқи берилади;

давлат акция пакетлари хорижий инвесторларга «Тошкент» РФБ савдолари орқали хорижий валютада сотилиши ва улар бўйича тўловлар шартномада белгиланган валютада амалга оширилиши мумкин;

2024 йил 1 августдан бошлаб, бошланғич нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача бўлган давлат активларини, ер участкаларини ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарнинг мулкларини сотиш ва ижарага бериш бўйича ўтказиладиган электрон онлайн-аукцион савдолари жараёнида, иштирокчилар томонидан учинчи қадамдан бошлаб шахсий ҳисобварағида камида уларнинг нарх таклифига нисбатан амалдаги зақалат миқдоридаги

суммага эга бўлиш тартиби киритилади. Бунда, ушбу маблағлар закат сифатида ҳисобга олинади.

5. Давактив агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ер солиғи ва мол-мулк солиғини давлат кўчмас мулк объектларини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган харидорлар томонидан мазкур объект учун тўланган маблағларга пропорционал равишда ҳисоблаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давактив агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда мазкур банддан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш киритиш юзасидан қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 майдан бошлаб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини сотишни тезлаштириш ва улар негизда ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) объектларини ишга туширишни рағбатлантириш мақсадида:

а) аукцион савдоларига чиқарилган ер участкалари (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) уч ой давомида сотилмаганда, уларнинг бошланғич нархи 30 фоизгача, олти ой давомида сотилмаганда 10 фоизгача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилади ва сотиб олиш тўловларининг 15 фоизини уч ой муддатда, қолган қисмини 10 йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

б) ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб 4 ва 5-тоифаларга киритилган туманларда жойлашган давлат активлари ҳамда мулк ҳуқуқи асосида сотиб олинган ер участкалари бўйича:

дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолларда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби бекор қилинади;

тўловларни, миқдоридан қатъи назар, 5 йил ичида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш учун амалга ошириладиган дастлабки тўлов миқдори 35 фоиздан 15 фоизга пасайтирилади;

в) Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланадиган режага мувофиқ халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари бўйида жойлашган ер участкаларида замонавий сервис ва савдо-маиший объектларини барпо этиш учун мастер-режа асосида ер участкалари уларнинг тоифасидан қатъи назар аукцион савдоларига чиқарилади;

г) давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган бўш ер участкаларига нисбатан туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарздорликлари бўйича тақиқлар татбиқ этилмайди, ушбу ер участкалари аукцион савдоларида сотилганда, харидорларга тўсиқларсиз расмийлаштириб берилади;

д) махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарининг (кейинги ўринларда — саноат зоналари) бош режасига мувофиқ:

саноат зоналари инфратузилма билан таъминлангандан ва давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилингандан сўнг улар ҳудудидаги ер участкалари аукцион савдоларига чиқарилади;



саноат зоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида хусусий инвесторлар томонидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда инфратузилма билан таъминлаш ишларининг амалга оширилишига рухсат берилади, кейинчалик ушбу харажатларни саноат зоналарининг маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартиби жорий этилади.

7. Белгилансинки, давлат активлари ва ер участкаларини хусусийлаштириш ҳамда ижарага бериш бўйича тузилган шартномалар доирасида юзага келадиган низолар ва даъволарга нисбатан, биринчи навбатда медиация тартиб-таомили амалга оширилади. Бунда, профессионал медиатор томонларнинг ўзаро келишуви асосида инвестиция, хусусийлаштириш ва капитал бозорида тажрибага эга шахслар орасидан танланади.

Давактив агентлиги Олий суд, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ҳафта муддатда:

хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ савдога чиқарилиши белгиланган давлат активлари (кўчмас мулк, улуш, акция пакетлари)ни вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Давактив агентлигига ўтказиб бериш тартибини;

туман ва шаҳарларда ер участкаларини устувор равишда мулк ҳуқуқи асосида, шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилмаган ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида 2024 йилда чорақлар кесимида савдога чиқариш режасини;

халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўли бўйлаб мастер-режа лойиҳалари асосида замонавий инфратузилмани барпо этиш, савдо ва сервис объектларини жойлаштириш учун аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкалари режасини;

замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари ва сервис объектларини, жумладан жойлаштириш воситалари, турар жойлар, савдо-кўнгилочар марказларни жойлаштиришни назарда тутувчи мастер-режа лойиҳалари асосида ер участкалари савдога чиқариладиган туманлар ва шаҳарлар рўйхатини;

б) бир ой муддатда қайта ташкил этиладиган ва тугатиладиган давлат иштирокидаги корхоналар ва давлат муассасалари рўйхатини тасдиқласин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Рақобат қўмитаси ва Давактив агентлиги билан биргаликда 2024 йил 1 июлга қадар ветеринария хизматлари бозорини ўрганиб чиқсин ва уни хусусий секторга ўтказиш ёки давлат-хусусий шериклик таъминлаш бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган ветеринария хизматлари бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Сув хўжалиги вазирлиги, Рақобат қўмитаси ва Давактив агентлиги

билан биргаликда икки ой муддатда сув хўжалиги соҳасида қурилиш хизматлари бозоридаги хусусий сектор улушини ўрганган ҳолда «Ўзсувқурилиш» АЖ ва унинг тизим ташкилотларини хусусий секторга ўтказиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, «Ўзсувқурилиш» АЖ корхоналарининг бошқариш тизимини ва тузилма ташкилотларини такомиллаштириш орқали харажатларини оптималлаштириш, рақобатбардошлигини ошириш чоралари назарда тутилсин;

в) Транспорт вазирлиги, Рақобат қўмитаси ва Давактив агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда Автомобиль йўллари қўмитасини ислоҳ қилиш ва унинг фаолиятига хусусий секторни жалб қилиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Автомобиль йўллари қўмитасининг буюртмачи функциясини сақлаб қолган ҳолда унинг пудратчи, таъмирлаш, ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарини Қўмита таркибидан чиқарган ҳолда хусусийлаштириш;

автомобиль йўллари эксплуатация қилиш жараёнини босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш.

#### 10. Қўйидагиларга:

а) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023 — 2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–299-сон қарорига асосан аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини, шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича 2023 йилга мўлжалланган режалар бажарилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини, шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш графигини тасдиқласин.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирга аҳоли пунктларининг бош режаси ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг ижроси бўйича шахсан масъул этиб белгилансин.

б) Бухоро (Зарипов), Қашқадарё (Азимов), Навоий (Турсунов), Наманган (Абдуразаков), Самарқанд (Турдимов), Сурхондарё (Қосимов), Сирдарё (Махмудалиев), Тошкент (Мирзаев), Фарғона (Бозаров) ва Хоразм (Рахимов) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (Умурзаков) ҳокимларига давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағларни объект жойлашган туман (шаҳар) бюджетига қоладиган қисмини ҳам тўлиқлигича вилоятлар (Тошкент шаҳри) бюджетига ўтказиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинишига йўл қўйганликлари кўрсатиб ўтилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давактив агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда давлат кўчмас мулк объектлари ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари сотилишидан тушган тушумларнинг

қонунчиликка мувофиқ тегишли қисми ушбу объектлар жойлашган туман (шаҳар)лар бюджетида қолдирилишини таъминласин.

11. Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш ишларини мувофиқлаштирувчи кенгаш (А. Арипов) уч ой муддатда республика ижро этувчи ҳокимият органларини Янги Тошкент шаҳри ҳудудига кўчириш, уларнинг маъмурий биноларидан самарали фойдаланиш ва уларни сотишдан тушадиган маблағларни ушбу ҳудудда маъмурий биноларни барпо этишни молиялаштиришга йўналтириш юзасидан таклиф киритсин.

12. Давақтив агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга-ликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 19 апрель,  
ПҚ–162-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**135 Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва унда давлат иштирокини қисқартириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришда хусусийлаштириш муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Хусусан, ўтган уч йилда профессионал консультантлар орқали ташкил этилган оммавий савдолар натижаларига кўра, хорижий инвесторларга 26 та актив 1,3 миллиард АҚШ долларига сотилди.

Давлат иштирокидаги йирик корхоналар ва тижорат банкларининг (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги йирик корхоналар) фаолият самардорлигини ошириш, замонавий бошқарув тизимини жорий этиш ва уларни трансформация қилиш бўйича тизимли ишларни давом эттириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун хусусийлаштириш орқали хорижий инвестицияларни жалб этишни жадаллаштириш мақсадида:

**1. Қуйидагилар:**

Профессионал консультантларни жалб қилган ҳолда халқаро бозорда оммавий савдоларга чиқариладиган акция пакетлари (улушлари) рўйхати 1-иловага\*\* мувофиқ;

Халқаро фонд бозорида акцияларининг бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифи ўтказиладиган давлат иштирокидаги йирик корхоналар рўйхати 2-иловага\*\* мувофиқ;

Давлат иштирокидаги йирик корхоналар устав капиталидаги акция пакетларини (улушларини) хусусийлаштириш олди тайёргарлик ишларини мувофиқлаштиришга масъул бўлган ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлар) таркиби 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:**

давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари халқаро стандартлар асосида тайёрланишини таъминлаш;

савдо жараёнларини ташкил этиш учун профессионал консультантлар жалб этилиши ва давлат иштирокидаги йирик корхоналар томонидан нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг барқарор кўрсаткичларига эришилишини мувофиқлаштириб бориш;

хорижий давлатлардаги қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи органлар ва биржалар билан ўзаро ҳамкорлик қилинишини таъминлаш, тегишли меморандум ва шартномаларни тузиш учун музокаралар олиб бориш;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

андеррайтерлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва маркетинг материаллари тайёрланишини ташкил қилиш;

амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳар чоракда Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясига ахборот киритиб бориш.

Ишчи гуруҳлар бир ой муддатда бириктирилган корхоналардаги давлат акция пакетларини савдога чиқариш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиб, унинг Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясига (А. Арипов) тасдиқлаш учун киритилишини таъминласин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилишда уларнинг раҳбар ва раҳбар ўринбосарларининг устувор вазифаларини 4-иловага мувофиқ белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда мазкур қарорга 4-иловада белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг раҳбар ва раҳбар ўринбосарлари кесимида амалга ошириладиган ишлар бўйича чора-тадбирларнинг бошқарув органлари қарорлари асосида тасдиқланишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги акциядор бўлган давлат иштирокидаги йирик корхоналарни хусусийлаштиришга тайёрлаш, ишончли бошқарувчиларни жалб этиш ва мазкур жараёнларни мувофиқлаштириш учун халқаро консультантлар ва юридик хизмат кўрсатувчи ташкилотлар «UzAssets» инвестиция компанияси» АЖ томонидан жалб қилинади. Бунда:

«UzAssets» инвестиция компанияси» АЖ томонидан амалга ошириладиган харажатлар Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

Жамғармадан ажратилган маблағлар «UzAssets» инвестиция компанияси» АЖнинг устав капиталидаги Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг улушини оширишга йўналтирилади;

б) Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Давактив агентлиги) ва «UzAssets» инвестиция компанияси» АЖга давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш олди тайёрлаш учун тўғридан-тўғри шартномалар асосида профессионал ташкилотларни (инвестиция воситачилари, ишончли бошқарувчилар, юридик хизмат кўрсатувчи ва консалтинг ташкилотлари, инвестиция банки, PR-компанияси ёки бошқа ихтисослашган компанияларни) жалб этиш ваколати берилади.

Бунда, улар билан тузиладиган шартномалар ва шартномага оид қўшимча келишувлар «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда экспертизадан ўтказилмайди.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Давактив агентлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 июлга қадар жалб этилган

консультант таклифи асосида «Иссиқлик электр станциялари» АЖ устав капиталидаги 51 фоиз ва ундан юқори миқдордаги давлат улушини ёхуд унинг таркибидаги алоҳида иссиқлик электр станцияларини хусусийлаштиришни бошласин.

6. Давактив агентлиги кимё саноати корхоналарини хусусийлаштириш ва ислоҳ қилиш дастурига мувофиқ «Дехқонобод калий заводи» АЖ устав капиталидаги давлат акциялар пакетини 2024 йил якунига қадар хусусийлаштириш жараёнини якунласин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Давактив агентлиги 2024 йил 1 июлга қадар профессионал консультантларни жалб этган ҳолда «Samarqand Avtomobil zavodi» МЧЖ устав капиталидаги «Ўзавтосаноат» АЖнинг 75,2 фоиз улушини савдога чиқариш ишларини бошласин.

8. Белгилансинки, 2024 йил 1 июлдан бошлаб, давлат иштирокидаги йирик корхоналарда:

корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, жумладан бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун кузатув кенгашига бўйсунадиган корпоратив котибият ташкил этилади;

корпоратив бошқарувнинг янгиланган қоидалари ва ахлоқ кодекси жорий этилади;

кузатув кенгашининг баённомаларини масофадан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон овоз бериш бюллетенлари орқали расмийлаштириш имконияти яратилади.

9. Давактив агентлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда мазкур қарорга асосан хусусийлаштирилиши белгиланган активларнинг халқаро бозорларда савдоларини ташкил қилиш ва салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда халқаро PR-консалтинг компаниялари ҳамкорлигида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкиллаштириш, шунингдек, давра суҳбатлари ва тақдимотлар («Road Show») ўтказиш чораларини кўрсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиков белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 19 апрель,  
ПҚ-163-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги  
ПҚ-163-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация  
қилишда уларнинг раҳбар ва раҳбар ўринбосарларининг  
УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ**

1. Корхоналарнинг рентабеллиги ва операцион самарадорлигини ошириш ҳисобига молиявий барқарорлигини таъминлаш.
2. Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар (IFRS)га ўтказиш ва ошқор этиб борилишини таъминлаш.
3. Халқаро илғор амалиётдан келиб чиқиб корхоналар фаолиятига замонавий корпоратив бошқарув тизимини (жумладан ESG, ISO, CSR) жорий этиш ҳамда бошқарув органлари таркибига халқаро тажрибага эга соҳа мутахассисларини кенг жалб этиш.
4. Корхоналарнинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (KPI) татбиқ этиш.
5. Инвестиция маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида мавжуд барча инвестиция лойиҳаларини қайта баҳолаш ҳамда уларни бошқаришга замонавий усулларни татбиқ этиш.
6. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш.
7. Корхоналарда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган дастурий таъминотларни жорий қилиш.
8. Харидлар тизимининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда коррупциядан ҳоли харидлар тизимини яратиш, харидлар жараёнини доимий аудитдан ўтказиш («форензик») чораларини кўриш.
9. Барқарор халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш, улар бўйича халқаро стандартлар асосида хулосаларни олиш.
10. Носоҳавий активларни белгиланган тартибда таркибий ўзгартириш ва/ёки хусусийлаштириш чораларини кўриш.
11. Давлат кафолатлари ва мажбуриятларидан фойдаланмаган ҳолда корхоналарни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун хорижий банклар ва капитал бозорларидан маблағларни, шунингдек, айланма маблағларни жалб этиш.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 136 **Донор қонидан дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикасининг «Фармацевтика фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 21 январдаги ПФ–55-сон Фармони ижроси юзасидан, шунингдек, аҳолини сифатли ва хавфсиз дори воситалари билан таъминлаш, фармацевтика тармоғига илғор илмий-техника ютуқларини ва инновацияларни жорий этиш, мамлакатимизда донор қонидан дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг «Фармацевтика фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ донор қонини тўплаш ва унинг асосида фармацевтика маҳсулотларини хусусий тартибда ишлаб чиқаришга тақиқ бекор қилинганлиги;

донор қони ва унинг таркибий қисмларидан фармацевтика маҳсулотлари ихтисослаштирилган фармацевтика ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, донор қонидан қон плазмасини дори моддаси (субстанция) сифатида ажратиб олиш, тўплаш, унинг асосида дори воситаларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва етказиб беришга қўйидаги талабларни бажарган юридик шахслар учун рухсат берилади:

а) донор қонидан қон плазмасини дори моддаси (субстанция) сифатида ажратиб олиш ва тўплаш бўйича:

тиббий ҳамда фармацевтика фаолияти учун тегишли лицензияларга эга бўлиш;

«Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)»нинг миллий талабларига мувофиқлик тўғрисида сертификатга эга бўлиш;

донор қонидан қон плазмасини дори моддаси (субстанция) сифатида плазмафарез усулида Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган тиббий техника воситасида ажратиб олиш;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 23 апрелда эълон қилинган.



б) қон плазмаси асосида дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича:

фармацевтика фаолияти учун тегишли лицензияга эга бўлиш;

«Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)»нинг миллий талабларига мувофиқлик тўғрисида сертификатга эга бўлиш;

в) қон плазмаси ва унинг асосида ишлаб чиқарилган дори воситаларини реализация қилиш учун сақлаш ва етказиб бериш бўйича:

фармацевтика фаолияти учун тегишли лицензияга эга бўлиш;

«Зарур амалиётлар (GxP)»нинг тегишли миллий талабларига мувофиқлик тўғрисида сертификатга эга бўлиш.

3. Қон плазмаси асосида ишлаб чиқариладиган дори воситалари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб ҳар бир партия учун аккредитациядан ўтган сертификатлаштириш органи томонидан мувофиқлик сертификати расмийлаштирилгандан сўнг уларнинг тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилади.

4. Қўйидагиларни назарда тутувчи Донор қонидан дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

қон плазмасини дори моддаси (субстанция) сифатида ажратиб олиш, тўплаш, унинг асосида дори воситаларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва етказиб беришга доир талаблар;

қон плазмасидан дори воситаларини ишлаб чиқаришда сифатни таъминлашга доир талаблар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, донор қонидан қон плазмасини дори моддаси (субстанция) сифатида ажратиб олиш ва унинг асосида дори воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш ҳамда «Зарур амалиётлар (GxP)»нинг тегишли миллий талабларига мувофиқлик бўйича сертификатлаш тизимини жорий этсин;

бир ой муддатда Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан донор қонидан дори воситаларини ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш имконини берадиган электрон ҳисобга олиш тизимини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

қон билан ишлаш хизмати, шу жумладан, донор қонидан дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин ва назорат қилиб борсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 27 ноябрдаги 324-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири в.б. А.А.Худаяров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 22 апрель,  
225-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 22 апрелдаги 225-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Донор қонидан дори воситаларини ишлаб чиқаришни  
ташқил этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом донор қонидан олинган қон плазмасини (кейинги ўринлардан — қон плазмаси) ажратиб олиш ва уни дори моддаси (субстанция) сифатида тўплаш, қон плазмасидан дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташқил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан қон донорлигини ташқил этиш, қон, унинг компонентлари ва препаратларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**дори воситалари** — касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек, одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари;

**«Зарур амалиётлар (ГхР)» сертификати** — «Зарур амалиётлар (ГхР)»нинг тегишли миллий талаблари юзасидан ўтказилган фармацевтик инспекция натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Зарур амалиётлар маркази томонидан тақдим этиладиган ҳужжат;

**плазмафарез** — инсон танасидан ташқарида қонни шаклли элементлар ва плазмага ажратиш усули.

**2-боб. Қон плазмасини дори моддаси (субстанция) сифатида  
ажратиб олиш, тўплаш, унинг асосида дори воситаларини ишлаб  
чиқариш, сақлаш ва етказиб беришга доир талаблар**

4. Қон плазмасини дори моддаси (субстанция) сифатида ажратиб олиш, тўплаш, унинг асосида дори воситаларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва етказиб беришга қуйидаги талабларни бажарган юридик шахслар учун рухсат берилади:

а) донор қонидан қон плазмасини дори моддаси (субстанция) сифатида ажратиб олиш ва тўплаш бўйича:

тиббий ҳамда фармацевтика фаолияти учун тегишли лицензияларга эга бўлиш;

«Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)»нинг миллий талабларига мувофиқлик тўғрисида сертификатга эга бўлиш;

донор қонидан қон плазмасини дори моддаси (субстанция) сифатида

плазмафарез усулида Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган тиббий техника воситасида ажратиб олиш;

б) қон плазмаси асосида дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича:

фармацевтика фаолияти учун тегишли лицензияга эга бўлиш;

«Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)»нинг миллий талабларига мувофиқлик тўғрисида сертификатга эга бўлиш;

в) қон плазмаси ва унинг асосида ишлаб чиқарилган дори воситаларини реализация қилиш учун сақлаш ва етказиб бериш бўйича:

фармацевтика фаолияти учун тегишли лицензияга эга бўлиш;

«Зарур амалиётлар (GxP)»нинг тегишли миллий талабларига мувофиқлик тўғрисида сертификатга эга бўлиш.

5. Донор томонидан қон плазмасини топшириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

6. Ажратиб олинган қон плазмасидан тиббий фаолият учун тегишли лицензияга эга бўлган лабораторияларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган текширувлардан ўтказилиб, касалликлар аниқланмагандан кейингина дори воситаларини ишлаб чиқаришга рухсат берилади.

### **3-боб. Қон плазмасидан дори воситаларини ишлаб чиқаришда сифатни таъминлашга доир талаблар**

7. Қон плазмасидан дори воситаларини ишлаб чиқаришда ушбу дори воситалари орқали юқумли касалликлар юқишининг олди олиниши лозим.

8. Қон плазмасидан дори воситаларини ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш ҳамда ушбу Низом ва «Зарур амалиётлар (GxP)»нинг тегишли миллий талабларига риоя этилиши тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг донорни танлашдан бошлаб, сарфлов воситалари сифати, қон плазмасини сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни етказиб беришгача бўлган барча босқичларига тааллуқли ҳисобланади.

9. Қон плазмасини тайёрловчи ташкилотларда ҳар бир донорнинг қон плазмасини топширишга яроқлилигини ҳамда плазманинг дори воситаларини ишлаб чиқариш учун бошланғич материал сифатида яроқлилигини аниқлаш бўйича ички йўриқномалар мавжуд бўлиши шарт.

10. Қон плазмасининг лаборатория текширувлари натижалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган шаклларга мувофиқ расмийлаштирилган ва дори воситасини ишлаб чиқарувчи ушбу маълумотлардан фойдаланиш имконига эга бўлиши лозим.

11. Дори воситаларини қон плазмасидан ишлаб чиқаришнинг барча стандарт операцион жараёнлари сифат менежменти тизими жараёнларига мувофиқ бўлиши ва мазкур талаблардан четга чиқишга йўл қўйилганлигини аниқлаш имкони яратилиши зарур.

12. Қон плазмасидан дори воситаларини ишлаб чиқаришда микроорганизмларни фаолсизлантириш ва улардан холи бўлиш босқичларидан ўтган ва ўтмаган материаллар учун хоналар ва ускуналар бир-биридан ажратилган бўлиши керак.

13. Зарур ҳолатларда ретроспектив таҳлил ўтказилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир қон плазмаси намуналари яроқлилик муддати энг узок бўлган дори воситасининг яроқлилик муддати ўтганидан кейинги бир йил муддатга тенг давр давомида тегишли шароитларда сақланиши лозим.

14. Қон плазмаси асосида ишлаб чиқарилган дори воситаларининг тиббиёт амалиётида қўлланилишига улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб ҳар бир сериясига аккредитациядан ўтган сертификатлаштириш органлари томонидан мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилгандан сўнг рухсат этилади.

15. Қон плазмаси асосида ишлаб чиқарилган дори воситаларининг улгуржи ва чакана реализацияси «Зарур амалиётлар (GxP)»нинг тегишли миллий талабларига мувофиқлик сертификати ва тегишли лицензияга эга юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

16. Қон плазмасини ажратиб олиш ҳамда ундан дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг «Зарур амалиётлар (GxP)»нинг тегишли миллий талабларига мувофиқлиги ҳар йили камида бир марта белгиланган тартибда қайта инспекциядан ўтказилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

17. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 22 апрелдаги 225-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари  
донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини  
амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»  
2014 йил 27 ноябрдаги 324-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Қон билан ишлаш хизмати фаолиятини  
мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ қон билан ишлаш хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш тартибини белгилайди.

2. Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг, шунингдек, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг донор қони ва унинг таркибий қисмлари масалалари бўйича фаолияти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

Донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда ишлатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

**2-боб. Қон билан ишлаш хизматининг тузилмаси ва  
ваколатлари**

3. Қон билан ишлаш хизмати донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплашга, тайёрлашга, қайта ишлашга ва сақлашга ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотлари ҳамда донор қони ва унинг таркибий қисмларидан фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган фармацевтика ташкилотлари (кейинги ўринларда – қон билан ишлаш хизмати) мажмуидан иборатдир.

4. Қон билан ишлаш хизмати қуйидагиларни ўз ичига олади:

донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва ундан фойдаланишга ихтисослаштирилган давлат тиббиёт ташкилотлари;

донор қони ва унинг таркибий қисмларидан фойдаланадиган тиббиёт ташкилотлари;

дори воситаларини ишлаб чиқариш учун қон плазмасини йиғишга ихтисослаштирилган ташкилотлар;

қон плазмасидан дори воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган фармацевтика ташкилотлари.

5. Қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари биноларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Қон ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш фақат давлат рўйхатидан ўтказилган тиббий техникалар ёрдамида амалга оширилади.

7. Қон ва унинг таркибий қисмлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган талабларга мувофиқ узлуксиз ҳароратни сақлаш ва рўйхатга олиш тизими мавжуд бўлган махсус музлатгичларда сақланади.

8. Қон ва унинг таркибий қисмлари, шу жумладан, қон плазмасини 18 ёшга тўлган шахслар томонидан топширилишига рухсат берилади.

Қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган шахсларнинг саломатлик кўрсаткичлари, соғлиғига қўйиладиган талаблар ҳамда уларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш олдидан шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда уларнинг саломатлиги тўғрисидаги ҳужжат бериш бепул амалга оширилади.

9. Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш чоғида донор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

соғлиғи сақланиши кафолатининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланиши;

соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши;

бепул овқат билан таъминланиш.

Донор қонунчилиқка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Қон ва унинг таркибий қисмлари бепул ва пулли асосда топширилиши мумкин.

Қон ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш бўйича ихтисослаштирилган давлат тиббиёт ташкилотлари ҳамда қон плазмасидан дори воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ташкилотлар донорларга келишувга мувофиқ қўшимча кафолатлар ҳамда компенсация тўловларини белгилаши мумкин.

11. Қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг электрон тизимига уланиши лозим.

12. Қон билан ишлаш хизмати қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини қуйидагилар орқали ташкил этади:

донор қони, унинг таркибий қисмлари ва препаратларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш;

аҳолини қон ва унинг таркибий қисмларини ихтиёрий равишда топширишга жалб этиш;

донор қони ва унинг таркибий қисмларини, шунингдек, донор қони пре-

паратларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг хавфсизлик шароитларини таъминлаш;

донор қони ва унинг таркибий қисмларини, шунингдек, донор қони препаратларини хавфсиз ташишни ташкил этиш;

донор қони банкини яратиш ва янгилаб бориш;

қон билан ишлаш хизматини, донорликни қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини, уларни тайёрлашни ҳамда клиник қўлланишни ташкил этиш масалалари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги бўйича маълумотларнинг ягона электрон базасини шакллантириш;

қон ва унинг таркибий қисмларининг ихтиёрий бепул донорлигини ривожлантириш бўйича тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Қон билан ишлаш хизмати қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қон билан ишлаш хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ваколатлари**

13. Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари ўз ваколатлари доирасида: шахсларни донорлар сафига жалб этишда қон билан ишлаш хизматига кўмаклашадилар;

донорнинг аризасига биноан уни иш, хизмат ёки ўқиш жойидан тиббий кўриқдан ўтиш кунда, шунингдек, қон топшириш кунда соғлиқни сақлаш ташкилотларига тўсқинликсиз юборадилар, донорнинг ушбу кунларда иш жойида ёки хизмат жойида бўлмаслиги одамларнинг ҳаётига ёки саломатлигига хавф солишига, давлат мудофаасини, хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилмаслигига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

қон топширишни ташкил этиш учун зарур хоналар тақдим этадилар;

донорга қонунчиликда белгиланган кафолатларни берадилар ва уни рағбатлантириш чораларини қўллайдилар.

Вазирликлар ва идоралар қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасида қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

14. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида:

донор қони ва унинг таркибий қисмлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бажарилишини таъминлайдилар;

ўз ҳудудларида қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ташкил этадилар;

қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантиришга маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратадилар.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари қон ва унинг таркибий



қисмлари донорлиги соҳасидаги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

#### **4-боб. Фавқулодда вазиятларда қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ташкил этиш**

15. Фавқулодда вазиятлар хавфи пайдо бўлганда ўз вақтида ҳаракатланиш, тегишли ҳудудларда қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ташкил этиш ишларига тезкор раҳбарлик қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари билан биргаликда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

мўлжалланаётган донорлар рўйхатларини аниқлаштириш;

шикастланганлар учун қон топшириш шохобчаларини аниқлаш ва ташкил этиш;

донор қонини тайёрлаш бўйича кўчма бригадалар ташкил этиш;

донор қонини тайёрлаш ва текшириш учун реактивлар ва ускуналар захирасини яратиш;

аҳоли ўртасида қон донорлиги бўйича тушунтириш ишларини амалга ошириш;

донорларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини ва донор қонини тайёрлашда санитария-эпидемиология назоратини таъминлаш.

16. Фавқулодда вазиятларда донор қони таркибий қисмларига ҳамда препаратларига бўлган эҳтиёж ушбу Низомга иловага мувофиқ, эҳтиёжнинг номенклатураси ва ҳисоби бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аниқланади.

17. Фавқулодда ҳолатлар ва вазиятларда Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида қон хизмати нодавлат ташкилотлари захирасидаги қон плазмаси ва қон препаратлари давлат захирасига олиниши мумкин.

Бунда захирага олинган қон плазмаси ва қон препаратлари учун улгуржи референт нархлардан юқори бўлмаган миқдорида компенсация тўлаб берилади.

#### **5-боб. Қон билан ишлаш хизматини молиялаштириш**

18. Қон билан ишлаш хизматининг давлат ташкилотлари фаолияти белгиланган тартибда, Давлат бюджети маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига, нодавлат ташкилотлари фаолияти ўзларининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоида**

19. Ушбу Низомнинг қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб беради.

Донор қони ва унинг таркибий қисмлари билан ишлаш хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Фавқулодда вазиятларда донор қони таркибий қисмларига ҳамда препаратларига бўлган эҳтиёжнинг НОМЕНКЛАТУРАСИ ВА ҲИСОБИ**

Донор қони таркибий қисмлари ҳамда препаратлари номи	Ўлчов бирлиги	100 нафар жабрланганларни 5 кунлик даволаш учун эҳтиёж нормаси
Эритроцитар масса	литр	50,0
Янги музлатилган плазма	литр	100,0
Тромбоцитлар концентрати	доза	20
Альбумин 10%	литр	40,0
Антистафилокок иммуноглобулин	доза	15
Қоқшолга қарши иммуноглобулин	доза	50

*Изоҳ. Жабрланганлар ҳолатининг оғирлик даражасидан келиб чиқиб эҳтиёж нормаси ўзгариши мумкин».*

2. 2-илованинг 3-банди бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Донор қони ва унинг таркибий қисмларини Ўзбекистон Республикаси-га олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш фавқулодда вазиятларда, шошилиш инсонпарварлик ёрдамни кўрсатиш ва бошқа зарур ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таклифига биноан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида амалга оширилади».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **137 Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларини аутсорсинг асосида хусусий сектор томонидан амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларига хусусий сектор корхоналарини кенг жалб қилиш учун шароит яратиш ҳамда автомобиль йўллари соҳасида аутсорсинг тизимини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ—30-сон қарори билан тажриба-синов тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда узунлиги 20 кмгача бўлган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларига аутсорсинг асосида хусусий секторни жалб қилиш белгиланганлиги ҳамда лойиҳалар рўйхати тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларини аутсорсинг асосида хусусий сектор томонидан амалга ошириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

аутсорсерни аниқлаш, шартнома тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;

аутсорсинг хизматларини молиялаштириш тартиби;

аутсорсер ва буюртмачининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш тартиби.

3. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси (кейинги ўринларда — Автомобиль йўллари қўмитаси) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан бирга 2024 йил 1 майдан бошлаб тажриба-синов тариқасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларига аутсорсинг асосида хусусий секторни жалб қилиш лойиҳалари бўйича эълонларни давлат харидларининг махсус ахборот портали ҳамда оммавий ахборот воситаларига, шунингдек, Автомобиль йўллари қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

4. Транспорт вазирлиги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларига аутсорсинг асосида хусусий секторни жалб қилиш бўйича ўтказиладиган тажриба-синов натижаларига кўра ижобий кўрсаткичларга эришилган тақдирда, 2025 йил 1 декабрга қадар кейинги йиллар учун аутсорсинг асосида эксплуатация қилинадиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 24 апрелда эълон қилинган.

5. Белгилансинки, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари аутсорсинг асосида эксплуатация қилиш ишлари 2024 йил 1 майдан бошлаб Давлат бюджетидан Автомобиль йўллари қўмитасига умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирлаш, эксплуатация қилиш ҳамда табиий офат оқибатларини бартараф қилиш ва уларнинг олдини олиш ишларига ажратилган маблағлар доирасида асослантирилган ҳисоб-китобларга мувофиқ молиялаштирилади.

6. Транспорт вазирлиги Автомобиль йўллари қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Тошкент давлат транспорт университетида йўл хўжалиги ходимлари, шу жумладан, хусусий сектор вакиллари учун «Автомобиль йўллари эксплуатация қилиш» йўналишида малака ошириш ва касбий қайта тайёрлаш дастури бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этсин.

Бунда автомобиль йўллари эксплуатация қилишни ташкил этишнинг умумий тамойиллари, автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш ишларини ташкил этиш, автомобиль йўллари ободонлаштириш ва жиҳозлашда энгилфор технологияларни ва замонавий усулларни танлаш, автомобиль йўллари ҳолатини мониторинг қилиш ва баҳолаш, эксплуатация қилиш харажатлари сметасини ҳисоблаш, энг мақбул технологияларни танлаш, сифат менежментини жорий қилиш бўйича ўқув модуллари инобатга олинсин.

7. Автомобиль йўллари қўмитаси ушбу қарор оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистан Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов, транспорт вазири И.Р. Махкамов ҳамда Автомобиль йўллари қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Ж.Ю. Турсунов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 24 апрель,  
233-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 24 апрелдаги 233-сон қарорига  
ИЛОВА

**Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларини аутсорсинг асосида хусусий сектор томонидан амалга ошириш тартиби тўғрисида  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Вақтинчалик низоми умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларини аутсорсинг асосида хусусий сектор томонидан амалга ошириш тартибини белгилайди.

Ушбу Вақтинчалик низоми 2026 йил 1 январга қадар амал қилади.

2. Ушбу Вақтинчалик низомида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аутсорсер** — шартнома асосида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилувчи тадбиркорлик субъекти;

**аутсорсинг** — умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларини шартнома асосида аутсорсерга ўтказиш;

**бюртмачи** — Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари бош бошқармалари;

**эксплуатация қилиш** — умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш, сақлаш ва қишки қаров ишларини бажариш;

**талабгор** — аутсорсинг асосида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш, сақлаш ва қишки қаров ишларини бажариш учун танлашда (тендерда) иштирок этадиган тадбиркорлик субъекти.

3. Бюртмачи эксплуатация қилиш ишларини аутсорсерга ўтказишда қуйидаги талабларга риоя қилиши шарт:

аутсорсерни қонунчилик ҳужжатлари асосида танлаб олиш;

эксплуатация қилиш ишларининг иқтисодий самарадорлигини оширишни кўзда тутиш.

**2-боб. Аутсорсерни аниқлаш, шартнома тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби**

4. Аутсорсер давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ энг яхши таклифларнинг давлат харидлари электрон тизими орқали амалга ошириладиган танлаш (кейинги ўринларда — танлаш) ёки тендер савдолари асосида аниқланади.

5. Танлаш (тендер) тўғрисидаги ахборот бюртмачи томонидан давлат харидларининг электрон тизимига танлаш (тендер) ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва танлаш (тендер) бўйича харид қилиш ҳужжатларини жойлаштириш йўли билан маълум қилинади.

Танлаш (тендер) ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлаш (тендер) бўйича харид қилиш ҳужжатлари буюртмачи томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан тегишинча камида беш иш куни (танлашда) ва ўн икки иш куни олдин (тендерда) давлат харидларининг электрон тизимига ҳамда Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг расмий веб-сайтига, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади.

6. Эълонда танлаш (тендер) шартлари ва тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати, эксплуатация қилиш ишлари, шартнома асосида аутсорсерга бериладиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлининг бир йиллик эксплуатация харажатлари ҳақидаги маълумотлар аниқ кўрсатилади.

7. Талабгор томонидан тақдим этиладиган танлаш (тендер) ҳужжатларнинг тўғрилиги учун талабгор жавобгар ҳисобланади.

8. Танлаш (тендер) натижалари бўйича шикоятлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

9. Аутсорсинг шартномаси белгиланган автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларининг барча босқичлари учун бир молия йилига тузилади.

10. Автомобиль йўлларини аутсорсинг асосида эксплуатация қилиш бўйича шартномани тузишда қўйидагилар назарда тутилиши лозим:

шартноманинг ажралмас қисми бўлган хизматлар кўрсатиш ва молиялаштириш жадваллари;

белгиланган тартибда олдиндан тўлов маблағларини ажратиш;

молиялаштириш жадвалига мувофиқ хизматлар кўрсатишни ҳар ойда молиялаштириб бориш;

ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 5-санасидан кечиктирмаган ҳолда, хизматлар кўрсатиш бўйича бажарилган ишлар учун тегишли ҳисоб-фактурани буюртмачига тақдим этиш;

бажарилаётган ишлар сифати учун аутсорсернинг жавобгарлигини ошириш.

11. Талабгорлар қўйидаги ҳолатларда танлаш ёки тендер савдоларида иштирок этишига йўл қўйилмайди:

йўл қурилиш-таъмирлаш йўналишида уч йилдан кам тажрибага эга бўлган ташкилотлар;

таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий боғлиқ бўлган ташкилотлар;

буюртмачи раҳбар ходимларининг яқин қариндошлари таъсислигида ташкил этилган ташкилотлар;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг раҳбари ёки таъсисчиси буюртмачи ва унинг раҳбарларига нисбатан бевосита боғлиқ бўлса ёхуд улардан бирортаси ушбу ташкилотнинг таъсисчиси ёки раҳбари ҳисобланса;

талабгор давлат харидлари тўғрисидаги махсус ахборот порталининг инсофсиз иштирокчилари ягона реестрига киритилган бўлса;

шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурслари ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжуд эмаслиги;

солиқлар, йиғимлар ҳамда кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлиги;

ўзига нисбатан жорий этилган тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларининг мавжудлиги;

талабгорнинг олдинги йўл-қурилиш объектлари бўйича бажарилмай қолган мажбуриятлари бўлган тақдирда.

12. Бюртмачи зарур бўлганда аутсорсинг хизматларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, иштирокчиларга қўшимча талаблар белгилашга ҳақли. Иштирокчиларни қўшимча талаблар асосида ўрганиш дастлабки малака танлови орқали амалга оширилади.

Бунда иштирокчиларга қўйиладиган қўшимча талаблар давлат харидларининг асосий принципларга зид бўлмаслиги керак, шунингдек, давлат хариди тўғрисидаги ахборотда иштирокчиларга қўйиладиган қўшимча талаблар ушбу ахборот эълон қилинган пайтда кўрсатилган бўлиши лозим.

### **3-боб. Аутсорсинг хизматларини молиялаштириш тартиби**

13. Аутсорсинг хизматларини молиялаштириш миқдори Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган йиллик харажатлар сметаси асосида белгиланади.

Бунда аутсорсинг асосида эксплуатация қилиш харажатлари учун маблағлар белгиланган идоравий меъёрларга мувофиқ ажратилади.

14. Кўрсатилган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 15 фоизи олдиндан ўтказиб берилгач, қолган 85 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг якунига қадар, йилнинг декабрь ойи учун молия йили охиригача кундан кечикмаган ҳолда амалга оширилади.

Бюртмачи ва аутсорсер ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар мазкур Вақтинчалик низомга иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

### **4-боб. Аутсорсернинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

15. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар тўланишини талаб қилиш;

кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

бюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

автомобиль йўлини эксплуатация қилиш мақсадида тегишли бўлган барча ҳужжатларни олиш.

Аутсорсер қонунчилик ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Аутсорсернинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

эксплуатация қилиш ишлари якуни бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли шаклдаги ҳужжатлар асосида бажарилган ишларни бюртмачига топшириш;

аутсорсинг хизматини кўрсатишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена талабларига қатъий риоя этиш;

ишлар ва хизматлар сифатли бажарилишини таъминлаш;

аутсорсер томонидан эксплуатация ишлари амалга оширилаётган автомобиль йўлида ўзига юкланган мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида йўл ҳаракати иштирокчиларига ва транспорт воситаларига етказилган зарарнинг ўрнини қонунчиликда белгиланган тартибда қоплаш;

шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаш.

Аутсорсер зиммасига қонунчилик ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

### **5-боб. Буюртмачининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

17. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аутсорсердан ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш;

аутсорсердан автомобиль йўлида амалга оширилган эксплуатация қилиш ишлари бўйича тегишли маълумотларни талаб қилиб олиш;

доимий равишда белгиланган автомобиль йўлини эксплуатация қилиш ишларини жойига чиқиб, аутсорсер фаолиятига бевосита аралашмаган ҳолда ўрганиш ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назорат қилиш;

аниқланган мавжуд муаммолар юзасидан уларни бартараф этиш бўйича аутсорсерга кўрсатма ва таклифлар бериш.

Буюртмачи қонунчилик ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

аутсорсерга автомобиль йўлини эксплуатация қилиш мақсадида тегишли бўлган барча ҳужжатларни тақдим этиш;

эксплуатация қилиш ишлари якуни бўйича аутсорсер томонидан бажарилган ишларни амалдаги қонунчилик доирасида қабул қилиш;

шартномага мувофиқ белгиланган муддат ва шартлар асосида аутсорсерга кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловларни тўлаш;

юзага келган муаммоли масалаларни ҳап этишда ёрдам кўрсатиш бўйича аутсорсер билан доимий алоқа йўлга қўйилишини таъминлаш.

Буюртмачи зиммасига қонунчилик ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

### **6-боб. Аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш**

19. Аутсорсинг хизматлари мониторинги аутсорсер томонидан эксплуатация қилинадиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида таъмир-



лаш, сақлаш ва қишки қаров ишларини бажариш жараёнида буюртмачи томонидан амалга оширилади.

Мониторинг натижалари бўйича ҳисоботлар буюртмачи томонидан келгуси ойнинг 5-санасига қадар Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига топширилади.

20. Мониторинг қўйидагилар орқали амалга оширилади:

ушбу Низомга мувофиқ эксплуатация қилиш ишлари тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот ва маълумотларни йиғиш;

зарур ҳолларда, амалга ошириладиган ишларни таҳлил қилиш учун аутсорсердан қўшимча маълумотларни сўраш.

21. Мониторинг аутсорсер томонидан белгиланган автомобиль йўлини эксплуатация қилиш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш сифати ва ажратилган молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилади.

22. Қўйидагилар мониторингнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ишларнинг бажарилишини доимий кузатиш;

аутсорсер томонидан эксплуатация қилиш ишларини амалга ошириш бўйича ўз мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш;

ишларни амалга ошириш имкониятига таъсир этувчи хавфларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ишларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва бирлаштириш;

аутсорсер фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

23. Мазкур Вақтинчалик низом билан тартибга солинмаган муносабатлар амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

24. Автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг сифатига аутсорсер жавобгар ҳисобланади.

25. Мазкур Вақтинчалик низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларини аутсорсинг асосида хусусий сектор томонидан амалга ошириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга  
ИЛОВА

**Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидаги ҳудудий бош бошқармалар ва аутсорсер ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
I босқич	Буюртмачи	Тегишли ой учун шартнома қийматининг 15 фоизи миқдоридagi маблағни аутсорсернинг ҳисобварағига ўтказиб беради.	Ҳар ойнинг дастлабки 10 банк куни давомида
II босқич	Аутсорсер	1. Амалга оширилган ишлар учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради. 2. Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун амалда кўрсатилган хизматлар ҳисоб-фактурасини (бажарилган ишлар далолатномаларини) тақдим этади.	Ҳар ойнинг 5-санасига қадар (ўтган ой учун)
III босқич	Буюртмачи	1. Асословчи ҳужжатларни (ҳисоб-фактуралар, бажарилган ишлар далолатномалари) таққослайди. 2. Тузилган шартнома шартларига мувофиқ қолган 85 фоиз суммани хизматлар кўрсатиш оyi тугагандан сўнг тўлайди.	3 иш куни давомида  Ҳар ойнинг 20-санасига қадар (ўтган ой учун)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**138 Қимматли қоғозлар бозорида мижозларни масофадан туриб рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ–291-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ–291-сон қарори билан тасдиқланган 2023 — 2025 йилларда капитал бозорини ривожлантириш бўйича «йўл харитаси»нинг 29-бандида депо ҳисобварағини масофадан туриб очиш ва инвесторлар билан шартнома тузиш тартибини ишлаб чиқиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қимматли қоғозлар бозорида мижозларни рақамли идентификация қилиш ва уни қўллаш ҳамда инвестиция воситачилари томонидан мижозлар билан шартнома тузиш жараёнида уларнинг шахсий маълумотларини олиш мақсадида мижозларни текшириш тизимини амалга оширишни назарда тутувчи Қимматли қоғозлар бозорида мижозларни масофадан туриб рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан биргаликда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан мижозларни масофадан туриб рақамли идентификация қилиш тартибидан фойдаланиш жараёнида «Ўз мижозингни бил» (КҮС, е-КҮС) тизимига мувофиқ ҳамда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш» (AML/CFT) тизимига асосан қимматли қоғозлар бозорида мижозлар билан шартнома тузиш пайтида мижозларни текшириш тизимини амалга ошириш тартибига риоя этилиши устидан доимий назоратни таъминласин.

Бунда доимий назорат Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) талабларидан келиб чиқиб амалга оширилиши инobatга олинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 27 апрелда эълон қилинган.

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директори Д.Р. Ли зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 26 апрель,  
238-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 26 апрелдаги 238-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар бозорида мижозларни масофадан туриб  
рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом инвестиция воситачилари томонидан резидент ва норезидент жисмоний, шу жумладан, юридик шахс номидан ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган шахсларни (кейинги ўринларда — мижоз) масофадан туриб рақамли идентификация қилиш, шунингдек, мижозлар билан шартнома тузиш вақтида уларнинг шахсий маълумотларини олиш мақсадида Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) талабларидан келиб чиқиб, «Ўз мижозингни бил» (KYC, e-KYC) ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш» (AML/CFT) тизимларига мувофиқ мижозларни текшириш тартибини белгилайди.

2. Инвестиция воситачилари мижозни рақамли идентификацияда ўтказилгандан сўнг унга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лозим даражада текшириш чораларни кўради.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**инвестиция воситачиси** — мижознинг топшириғига биноан мижоз номидан ва унинг ҳисобидан қимматли қоғозларга доир битимлар ҳамда операцияларни амалга оширувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси;

**ички назорат қоидалари** — инвестиция воситачиларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари;

**рақамли идентификация** — ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, мазкур Низомда белгиланган талаблар асосида мижознинг шахсини текшириш ва тасдиқлаш жараёни;

**рақамли аутентификация** — аввал идентификация қилинган мижоздан реал вақт режимида олинган фотосурат ёки видеотасвирни дастлабки идентификация маълумотлари билан автоматлаштирилган ҳолда (инсон омилисиз) солиштириш орқали мижознинг шахсини текшириш ва тасдиқлаш жараёни;

**рўйхат** — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органлари тақдим этаётган маълумотлар, шунингдек, чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотлари расмий каналлар орқали тақдим этаётган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Бош проку-

ратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қиргин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати.

4. Инвестиция воситачиси мижозларни рақамли идентификация қилиш тартибини йўлга қўйишдан олдин жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг эҳтимолий таваккалчилик даражасини ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, ҳужжатлаштириш ва уни камайтириш чораларини кўриш, шунингдек, ўз ички қоидаларида ушбу ҳолатларни назарда тутувчи мижозларни рақамли идентификация қилиш тартибини белгилаши шарт.

5. Инвестиция воситачиси:

мижознинг идентификация маълумотларини ҳимоя қилиш бўйича зарур бўлган ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўриши;

идентификация маълумотлари ишончилиги ва тўғрилигини таъминлаши;

идентификация маълумотларининг сохталаштирилишига, рухсатсиз ўзгартирилишига, ошкор қилинишига ҳамда муддатидан олдин йўқ қилинишига қарши чораларни кўриши;

идентификация маълумотларини қонунчиликда белгиланган муддатларда сақлаш ва улардан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

мижозларга хизматларни кўрсатишда ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ операцион хатарларни камайтириш ва назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар тизимини, шу жумладан, мижозни рақамли идентификация қилиш вақтида хавфсизликни таъминлаши;

алоқа каналлари орқали инвестиция воситачиси хизматларидан фойдаланишда мижоз учун кўп факторли аутентификация (мобил телефонга боғланиш ёки SMS хабар юбориш ёхуд электрон почта, шунингдек, ижтимоий тармоқлар орқали мижознинг шахсини қўшимча равишда текшириш ва тасдиқлаш) тартиб-қоидаларини қўллаши;

мижознинг шахсга доир маълумотларига фақат ушбу Низомда кўзда тутилган мақсадлар учун ишлов бериши;

соҳага доир бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ахборот хавфсизлиги бўйича зарур талабларни қўллаши лозим.

## **2-боб. Мижозларни рақамли идентификация қилиш**

6. Мижозларни рақамли идентификация қилишда инвестиция воситачиси томонидан қўйидаги усуллардан фойдаланилади:

мижоз тақдим қилган маълумотларга таянган ҳолда мижоз шахсини текшириш ва идентификация қилиш;

инвестиция воситачисининг ахборот тизимлари томонидан реал вақт режимида инсон омилсиз мижознинг шахсини текшириш ва идентификация қилиш.

7. Инвестиция воситачиси ушбу Низомнинг 6-банди учинчи хатбошисида

қайд этилган усул бўйича миждознинг шахсини текшириш ва идентификация қилишда:

шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID карта ёки хорижий давлатлар фуқаролари учун уларга тенглаштирилган ҳужжатлар) ички назорат қоидалари талабларига мувофиқ тегишли маълумотларга эга бўлган қисмлари фотосуратларини миждоздан қабул қилади;

ушбу Низом талабларига мувофиқ миждознинг фотосурати ва (ёки) видеотасвирини қабул қилади;

«Электрон ҳукумат» тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларига (кейинги ўринларда — марказий маълумотлар бази) сўров юбориш орқали ундаги маълумотлар билан солиштиради;

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 июлдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари орқали электрон рақамли имзо бериш тартиби тўғрисидаги низомга биноан электрон рақамли имзо калитининг сертификати борлиги ҳақида сўрайди;

шахсни тасдиқловчи ҳужжатда жойлашган фотосуратни ушбу Низомга мувофиқ қабул қилинган фотосурат ва (ёки) видеотасвир билан, шунингдек, марказий маълумотлар базасида жойлаштирилган фотосурат билан (агар мавжуд бўлса) солиштиради;

миждоз билан боғланишда фойдаланиладиган мобил телефон рақамини айнан ушбу миждоз томонидан фойдаланилаётганлигини аниқлаш имконини берувчи усул (мобил телефонга боғланиш, SMS хабар юбориш) ёрдамида текширади. Бунда хорижда жойлашган миждозларни идентификация қилишда мобил рақам ўрнига электрон почта манзилига жўнатиш код орқали тасдиқлашга йўл қўйилади;

ички назорат қоидаларига мувофиқ миждознинг юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига кириши ёки кирмаслиги нуқтаи назаридан текширувни амалга оширади.

Миждоз тўғрисидаги маълумотлар марказий маълумотлар базасида топилмаган тақдирда, инвестиция воситачиси миждоз билан онлайн видеоконференцалоқа сеансини ўрнатиб, миждозни идентификация қилишига рухсат берилади. Бунда инвестиция воситачиси масъул ходими видеоконференцалоқа орқали қўйидагиларни аниқлаши ва видеотасвирга туширилишини таъминлаши лозим:

миждознинг маълумотлари аниқ кўринган шахсини тасдиқловчи ҳужжатини;

миждоз ушбу шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ушлаб турган ҳолатини;

миждознинг мазкур инвестиция воситачиси билан шартнома имзолаш истагида эканлигини тасдиқловчи аудиовизуал тасдиқ (миждознинг оғзаки нутқи).

Инвестиция воситачисининг масъул ходими миждоз билан онлайн видеоконференцалоқа сеансини ўрнатиб, миждоз томонидан тақдим қилинган ахборотларнинг айнан унга тегишлилигини текширади.

8. Инвестиция воситачиси томонидан мижозларни идентификация қилиш учун фойдаланиладиган ахборот тизими мазкур Низомнинг 6-банди учинчи хатбошисида қайд этилган усул бўйича мижознинг шахсини текшириш ва идентификация қилишда:

а) мижоздан шахсини тасдиқловчи ҳужжат (биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд хорижий давлатлар фуқаролари учун уларга тенглаштирилган ҳужжатлар) серияси ва рақамини ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва туғилган санасини ёхуд ушбу маълумотлардан барчасини ҳамда ушбу Низомга мувофиқ фотосуратини ёки видеотасвирини реал вақт режимида олади;

б) марказий маълумотлар базасига сўров юборди ва мижознинг қуйидаги шахсий маълумотларини олади:

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР, мавжуд бўлганда), марказий маълумотлар базасида шахсини тасдиқлайдиган маълумотлари бўлмаган чет эл фуқаролари бундан мустасно;

биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд хорижий давлатлар фуқаролари учун уларга тенглаштирилган ҳужжатларнинг берилган санаси, амал қилиш муддати ҳамда берилган жойи;

давлат тилида фамилияси, исми, отасининг исми (лотин ёзувида);

жинси, туғилган мамлакати, туғилган жойи, миллати, фуқаролиги ҳамда доимий ёки вақтинча яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар;

в) мижоздан реал вақт режимида олинган фотосуратни ёки видеотасвирдаги фотосуратни марказий маълумотлар базасидан олинган фотосурат билан (агар мавжуд бўлса) автоматлаштирилган ҳолда (инсон омилсиз) солиштиради;

г) мижоз билан боғланишда фойдаланиладиган мобил телефон рақами айнан ушбу мижоз томонидан фойдаланилаётганлигини аниқлаш имконини берувчи усул (мобил телефонга боғланиш, SMS хабар юбориш) ёрдамида текширади;

д) қабул қилинган маълумотларни ички назорат қоидаларига мувофиқ рўйхат билан автоматлаштирилган ҳолда (инсон омилсиз) солиштиради.

9. Инвестиция воситачиси мижозни рақамли идентификация қилишда ўз ахборот тизимларидан ёки шартнома асосида учинчи шахслар томонидан тақдим этилган ахборот тизимларидан фойдаланади.

10. Мижозларни рақамли идентификация қилиш учун фойдаланиладиган ахборот тизимлари:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлашган бўлиши (мижоз билан онлайн видеоконференция сессиясини ўтказиш учун фойдаланиладиган серверлар бундан мустасно);

ахборотни узатишда ўзаро шифрлашни таъминлаши;

фақат реал вақт режимида яратилган фотосурат ва (ёки) видеотасвирдан фойдаланишни таъминлаши;

фотосурат ва (ёки) видеотасвир алмаштириш ҳамда бузишдан, илгари яратилган фотосурат ва (ёки) видеотасвирдан фойдаланишдан ҳимояланган бўлиши;



идентификация қилишда мижозлар томонидан бошқа мижозларнинг фотосурати ва (ёки) видеотасвирдан фойдаланишга бўлган уринишларни аниқлаш имконини бериши лозим.

11. Мижозни рақамли идентификация ва рақамли аутентификация қилишда:

фотосурат ва (ёки) видеотасвир рангли бўлиши;

видеотасвир товушли бўлиши;

фотосурат ва (ёки) видеотасвирда мижознинг ўзидан бошқа шахслар бўлишига йўл қўйилмаслиги;

мижознинг юзи қисман ёки тўлиқ яширилмаган бўлиши, мижознинг юзига соя тушмаслиги, шунингдек, мижоз юзни қоплайдиган кўзойнакда (шаффоф ойнали кўзойнакдан ташқари) бўлмаслиги;

видео фонни ўзгартириш ёки ретуш технологиясидан фойдаланмаслик;

фотосурат ва (ёки) видеотасвирда мижознинг юзи яққол кўриниши керак.

Инвестиция воситачиси томонидан мижозлар билан шартнома тузиш вақтида уларнинг шахсий маълумотларини олиш мақсадида Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) талабларидан келиб чиқиб, «Ўз мижозингни бил» (KYC, шунингдек, е-KYC) ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш» (AML/CFT) тизимларига мувофиқ мижозларни текшириш тизими амалга оширилади.

### **3-боб. Рақамли идентификацияни қўллаш**

12. Рақамли идентификация қилиш ушбу Низомда белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда қуйидаги хизматларни кўрсатишда қўлланилиши мумкин:

инвестиция воситачиси томонидан масофадан мижозлар билан шартнома тузиш вақтида. Бунда шартнома мижоз томонидан Ягона идентификация тизими (OneID), электрон рақамли имзо ёрдамида имзоланади ёки оммавий оферта мижоз томонидан қабул қилинади;

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ёки норезидентлари бўлган мижозлар учун депо ҳисобварақларини масофадан туриб очишда;

инвестиция воситачисининг мижозига тегишли анкета маълумотларини (паспорт маълумотлари, манзил, телефон рақами, банк ҳисобварағи ва бошқа маълумотлар) ўзгартиришда;

инвестиция воситачиси хизматларини кўрсатиш учун мижоздан электрон аризаларни қабул қилишда.

13. Инвестиция воситачиси рақамли идентификация қилишдан ўтган мижозлар билан амалга ошириладиган қуйидаги операцияларга нисбатан ички назорат қоидаларига мувофиқ таваккалчилик даражасини баҳолаган ҳолда чекловларни ўз ички қоидаларида ўрнатишлари шарт:

қимматли қоғозлар эгаси томонидан амалга ошириладиган бир операциянинг максимал суммаси;

мижоз томонидан календарь ой мобайнида амалга ошириладиган транзакциялар сони;

ҳисобварақдан бир операция орқали ечиб олиниши мумкин бўлган маблағларнинг максимал миқдори.

Инвестиция воситачиси ўз мижозларини рақамли идентификация қилиш, аввал идентификация қилинган мижозларни эса рақамли аутентификация қилиш юзасидан ҳар бир мижоз томонидан амалга ошириладиган операцияларга таваккалчилик даражасини баҳолаган ҳолда чекловлар ўрнатиши мумкин.

Бунда инвестиция воситачиси ўз мижозларини ички назорат қоидаларига мувофиқ лозим даражада текшириши ва баҳолаш таҳлилини амалга ошириши лозим.

14. Инвестиция воситачиси мижозларнинг белгиланган чекловларни четлаб ўтишга қаратилган уринишларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш юзасидан чоралар кўриши лозим.

15. Қуйидаги ҳолатларда мижозлар рақамли идентификация қилинмайди:

мижоз ва (ёки) мижоз томонидан амалга ошириладиган операция ички назорат қоидаларига мувофиқ юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига кирган тақдирда;

мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилганда;

шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги фотосуратнинг ушбу Низомга мувофиқ олинган фотосурат ва (ёки) видеотасвир ҳамда марказий маълумотлар базасига жойлаштирилган фотосурат билан (агар мавжуд бўлса) мослигига шубҳа мавжуд бўлганда;

мижоздан олинган маълумотлар марказий маълумотлар базасига жойлаштирилган маълумотларга мос келмаганда ёки мос келишини текширишнинг иложи бўлмаганда;

фотосурат ва (ёки) видеотасвир ушбу Низом талабларига мос келмаганда;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўйича шубҳалар мавжуд бўлганда.

Бунда инвестиция воситачиси рақамли идентификация қилинмаган мижозларни анъанавий усулда идентификация қилиши лозим.

16. Рақамли идентификация қилишда мижознинг барча идентификация маълумотлари рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан қисман ёки тўлиқ мос келган тақдирда, инвестиция воситачиси ички назорат қоидаларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

17. Мижозни рақамли идентификация қилиш натижаси бўйича мижоз анкетасини тўлдириш ва юритиш ички назорат қоидаларида белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

18. Мижозларни рақамли идентификация қилишни йўлга қўйган инвестиция воситачиси ўн кун муддатда қимматли қоғозлар бозорини тартибга

солиш бўйича ваколатли давлат органига қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботни тақдим этади:

мижозларни рақамли идентификация қилиш тизимини йўлга қўйиш санаши;

мижозларни рақамли идентификация қилиш жараёнларининг тўлиқ тавсифи;

инвестиция воситачиси томонидан мижозларни рақамли идентификация қилиш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхати;

қимматли қоғозлар бозорида мижозлар билан шартнома тузиш пайтида уларнинг шахсий маълумотларини олиш мақсадида «Ўз мижозингни бил» (КҮС, шунингдек, е-КҮС) ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш» (AML/CFT) тизимларига мувофиқ мижозларни текшириш тизимини амалга оширишнинг тартиби.

19. Инвестиция воситачиси рақамли идентификация қилинган мижозлар бўйича ички назорат қоидаларида кўзда тутилган маълумотларга қўшимча равишда мижозлардан олинган фотосуратлар ва (ёки) видеотасвирларни, мижоз шахсини текшириш ва идентификация қилиш амалга оширилган аниқ сана ва вақти қайд этилган ҳужжатларни, шунингдек, марказий маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда маълумотларни текшириш натижаларини мижозлар анкеталари билан биргаликда ички назорат қоидаларига мувофиқ беш йил давомида сақлаши шарт.

20. Инвестиция воситачисининг ахборот тизимлари рақамли идентификация ва рақамли аутентификация қилинган мижозлар ва уларнинг сони ҳақида тезкор маълумот олиш имкониятини таъминлаши лозим.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Инвестиция воситачиси мижозни рақамли идентификация қилиш натижасида олинган маълумотларга ўзгартиришлар киритишда мазкур Низом талабларига амал қилиши лозим.

22. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ****139 Давлат хизматлари ягона реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3467-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 январдаги ПФ–18-сон «Ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2024 йил 27 февралдаги ПФ–41-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябрдаги 612-сон «Давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2023 йил 27 ноябрдаги 622-сон «Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш, ушбу соҳада давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2024 йил 11 мартдаги 124-сон «Давлат уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда 2024 йил 29 мартдаги 169-сон «Хулоса бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 27 октябрдаги 14-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3467, 2023 йил 27 октябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.10.2023 й., 10/23/3467/0806-сон) билан тасдиқланган Давлат хизматлари ягона реестрига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 24 апрель,  
9-мх-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2024 йил 24 апрелдаги  
9-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

### Давлат хизматлари ягона реестрига киритилаётган кўшимча ва ўзгартиришлар

1. 004-бобда:  
қуйидаги мазмундаги 14<sup>1</sup> — 14<sup>14</sup>-позициялар билан тўлдирилсин:

14 <sup>1</sup> .	0043 <sup>1</sup>	18 ёшдан катта шахсларга ногиронлик гуруҳи, сабаби ва муддати белгиланганлиги тўғрисидаги хулоса бериш	Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари	Жисмоний шахс	Анъанавий	Бепул	Хулоса
14 <sup>2</sup> .	0043 <sup>2</sup>	Меҳнатда майиб бўлган ва касбий касалликка чалинган шахслар учун касбий меҳнат лаёқатининг йўқотилганлик даражаси ва касб касаллигини аниқлаш тўғрисидаги хулоса бериш	Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари	Жисмоний шахс	Анъанавий	Бепул	Хулоса
14 <sup>3</sup> .	0043 <sup>3</sup>	Кўриқдан ўтувчини бириктирилган тиббиёт муассасаларига, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига ҳамда Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш хуудий марказларига юбориш тўғрисидаги хулоса бериш	Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари	Жисмоний шахс	Анъанавий	Бепул	Хулоса

14 <sup>4</sup> .	0043 <sup>4</sup>	Кўриқдан ўтаётган беморни даволашни давом эттириш муносабати билан унинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини узайтириш тўғрисидаги хулоса бериш	Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари	Жисмоний шахс	Анъанавий	Бепул	Хулоса
14 <sup>5</sup> .	0043 <sup>5</sup>	Касб турларига тавсия этиш тўғрисидаги хулоса бериш	Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари	Жисмоний шахс	Анъанавий	Бепул	Хулоса
14 <sup>6</sup> .	0043 <sup>6</sup>	Ўқитишга ёки қайта ўқитишга мухтожлиги тўғрисидаги хулоса бериш	Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари	Жисмоний шахс	Анъанавий	Бепул	Хулоса
